



FEATURES OF THE EMERGENCE AND DEVELOPMENT OF CITIES IN DESERT CONDITIONS

Akhmadjon M. Mavlonov

head of the department, candidate of geography, associate professor
Bukhara State Pedagogical Institute
Bukhara, Uzbekistan

Charos Z. Jalilova

Lecturer
Bukhara State Pedagogical Institute
Bukhara, Uzbekistan

Kamola M. Fazliddinova

student
Bukhara State Pedagogical Institute
Bukhara, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: Desert, city, Bukhara, Varakhsha, Navoi.

Abstract: In this article, the topic of the emergence and development of cities in desert conditions is analyzed and discussed.

Received: 05.02.23

Accepted: 07.02.23

Published: 09.02.23

ЧЎЛ ШАРОИТИДА ШАҲАРЛАРНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИ ВА РИВОЖЛАНИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

Аҳмаджон М. Мавлонов

кафедра мудири, география фанлари номзоди, доцент
Бухоро давлат педагогика институти
Бухоро, Ўзбекистон

Чарос З. Жалилова

ўқитувчи
Бухоро давлат педагогика институти
Бухоро, Ўзбекистон

Камола М. Фазлиддинова

талаба
Бухоро давлат педагогика институти
Бухоро, Ўзбекистон

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Чўл, шаҳар, Бухоро, Варахша, Навоий.

Аннотация: Ушбу мақолада чўл шароитида шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиш хусусиятлари мавзуси таҳлил ва муҳокама қилинган.

ОСОБЕННОСТИ ВОЗНИКНОВЕНИЯ И РАЗВИТИЯ ГОРОДОВ В УСЛОВИЯХ ПУСТЫНИ

Ахмаджон М. Мавланов

*заведующий кафедрой, кандидат географических наук, доцент
Бухарский государственный педагогический институт
Бухара, Узбекистан*

Чарос З. Жалилова

*преподаватель
Бухарский государственный педагогический институт
Бухара, Узбекистан*

Камола М. Фазлиддинова

*студент
Бухарский государственный педагогический институт
Бухара, Узбекистан*

О СТАТЬЕ

Ключевые слова: Пустыня, город, Бухара, Варахша, Навои.

Аннотация: В данной статье анализируется и обсуждается тема возникновения и развития городов в условиях пустыни.

КИРИШ

Инсон табиатнинг бир бўлаги ва унинг ажралмас қисмидир. У пайдо бўлгандан буён табиатга таъсир кўрсатиб, ўз эҳтиёжларини қондириб келмоқда. Инсон ва табиат муносабатлари ибтидоий жамоа давридан бошланиб ҳозирги кунгача давом этиб келмоқда. Одамзотнинг табиатга таъсири турли даврларда турлича кучга эга бўлган. Бундай таъсирлар натижасида табиий ландшафтлар ўзгариб, улар антропогенлашиб бормоқда. А.М.Рябчиков фикрича, инсониятнинг табиатга таъсир кучи ҳар 14-15 йилда бир қарра ортиб боради [3]. Унинг маълумотига кўра инсон томонидан 1980 йиллардаёқ Ер шарига куруклик ландшафтларининг 60 фоизи турли даражада ўзгартирилган, шулардан 20 фоизи эса кучли ўзгарган ҳудудлардир. Бундай жойларга – шаҳарлар, қишлоқлар, экиладиган ерлар, муҳандислик иншоотлари қиради. Инсон томонидан турли даражада ўзгартирилган жойларни биринчи бор Ф.Н.Мильков 1970 йилда антропоген ландшафтлар деб тилга олади [2].

АСОСИЙ ҚИСМ

Шаҳарлар инсоният яратган антропоген ландшафтлар орасида энг кўп тарқалганларидан бири ҳисобланади. Гарчи шаҳарлар қуруқлик майдонининг бир фоизини эгалласада, уларнинг сони бир неча мингни ташкил этади. Маълумки, шаҳарлар ижтимоий ва ҳудудий меҳнат тақсимооти натижасида вужудга келган. Деҳқончиликдан ҳунармандчилик ва савдонинг ажралиб чиқиши ушбу вазифа билан шуғулланувчи махсус аҳоли манзилгоҳларининг пайдо бўлишига сабаб бўлган. Улар товар айрибошлаш ва воситачи марказ сифатида қулай географик жойда ривожланиб борган.

Шаҳарларнинг вужудга келиши ва жойланишига турли омиллар таъсир кўрсатади. Булар энг аввало ишлаб чиқариш тармоқларидир. Масалан, даставвал шаҳарлар ҳунармандчилик ва савдо тармоқларини жойлаштириш асосида вужудга келган. Кейинчалик, майда ва “катта” саноат, турли хил транспорт, фан-техника кабилар шаҳарлар ривожланишига таъсир этган.

Қадимда шаҳарлар денгиз ва кўл соҳилларида, карвон йўллари, кема қатнайдиған ва суғорма деҳқончилик қилиш имкониятини берадиган дарёлар бўйларида, тепаликларда, муҳим ҳарбий – стратегик мавқега эга бўлган жойларда қурилган. Ҳозирги кунда улар ҳар хил қазилма бойлик конлари, дам олиш масканлари, университет, илму–фан, банк – молия тизими асосида ҳам ташкил бўлмоқдалар.

Умуман шаҳарларнинг жойланишига таъсир этувчи омилларни бир неча гуруҳга бўлиш мумкин. Улар: табиий, иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий омиллардир. Булар орасида табиий омилларнинг ўрни ўзига хос. Шаҳарларни айнан шу ерда ўрнашувига унинг микро географик ҳолати сабабчи бўлади. Агар шаҳарнинг табиий шароити – ер усти тузилиши (рельефи), иқлими, сув ва бошқа компонентлари қулай бўлса, у ривожланишда давом этади, ёки аксинча ноқулай бўлса, ривожланишдан тўхтади. Юртимиздаги кўпгина қадимий шаҳарлар ноқулай табиий шароитлар таъсирида ривожланишдан тўхтаб, айни пайтда харобаларга айланиб қолган (Насаф, Аҳси, Афросиёб, Варахша, Пойкент, Тупроққалъа ва ҳ.к.).

Чўл шароитида шаҳарларнинг вужудга келиши ва ривожланиши, энг аввало сув ресурсларига боғлиқ [10, 12]. Шу боис, сув манбалари етарлича бўлган арид ҳудудларда ҳам йирик шаҳарлар ташкил топган. Бунга мисол қилиб Нил дельтасида жойлашган – Қоҳира, Месапатамиядаги – Боғдод шаҳарларини келтириш мумкин. Аксинча, сув ресурслари чекланган Арабистон, Туркменистон, Муғулистон сингари давлатларда ҳанузгача йирик шаҳарлар шаклланмаган. Ўзбекистоннинг ҳам чўл зонасидаги дарё бўйларида Қарши, Нукус, Навоий каби каттароқ шаҳарлар шаклланган бўлса, сув манбаларидан узоқлашган сари манзилгоҳлар сони ва аҳолиси камайиб боради.

Чўл зонасида шаҳарларнинг шаклланиши ва ривожланишига уч омил – сув, географик ўрин ва табиий ресурсларнинг роли бениҳоят катта. Бухоро шаҳрининг вужудга келишида Зарафшон дарёси ва унинг тармоқларининг муҳим аҳамият касб этган. Машҳур тарихчи Наршахий Бухоронинг ҳозирги ўрнида сув мўл бўлганлигини, боткоқлик ва кўл-тўқай ландшафтларидан иборатлигини таъкидлайди. Кейинчалик Зарафшон дарёси сувининг камайиб бориши туфайли кўллар саёзланиб, қисқариб боради ва улардаги тўқайзорларда қурғоқлашув рўй беради. Ушбу ерларни инсонлар томонидан ўзлаштирилиши ва уларнинг деҳқончилик ўчоғига айлантирилиши оқибатида маданий қатламлар вужудга келган.

Бухоро обод ҳудудга айланиши билан географик ўрни қулайлашиб, у ўз атрофлари учун марказ вазифасини бажара бошлади. Шундан сўнг бир неча ҳукмдорлар давлат пойтахти қилиб Бухорони танлаган.

Варахшада Кушонлар (I-II асрлар), Бухорхудотлар (VI аср) ва Сомонийлар даврида (IX-X асрлар) маданий ҳаёт ривожланган. Айниқса, Бухорхудотларнинг ёзги қароргоҳи вазифасини бажарганлиги, ўша даврда сиёсий марказ даражасидаги шаҳар бўлганлигидан далолат беради. XI-XII асрларда шаҳар атрофлари билан бирга 12 та канал орқали суғорилган [4, 385- 6.].

1.2-жадвал.

Чўл зонасидаги айрим шаҳарлар ривожланишининг хусусиятлари

шаҳар-лар	вужудга келишига таъсир этувчи омиллар	тарихий ривожланиши	ҳозирги ҳолати	келажак истикболи	изоҳ
Бухоро	сув	Ўрта Осиё шаҳарлари орасида энг кўп пойтахт вазифасини бажарган. Жумладан, Сомонийлар – 188 йил, хон-лик ва амирилик – 420 йил	Бухоро вилояти-нинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий маркази	Жануби-ғарбий Ўзбекистон-нинг илмий ва маданий маркази бўлиб, туризм асосида янада ривожланади	2500 йилдан буён бир жойда ривожланиб келаётган шаҳар.
Варахша	географик ўрин	Кушонлар, Бухорхудотлар ва Сомонийлар даврида маданий ҳаёт гуллаб яшнаган. Шаҳар Бухорхудотлар даврида (VI аср) ёзги қароргоҳ ҳисобланган	Ҳозирда харобалар-га айланиб қолган	Тарихий, археологик ва чўл экотуризмни ривожлантириш имконият-лари мавжуд	Антик давр шаҳарсозлик намуналарини ўзида акс эттирган.
Навоий	табиий ресурсларни ўзлаштириш	1958 йилда шаҳар сифатида ташкил топган	Навоий вилояти-нинг иқтисодий,	Эркин иқтисодий зона асосида Ўрта Осиёнинг	Чўл шароитида ажойиб шаҳарсоз-лик замонавий ютуқларини ўзида

			ижтимоий ва маданий маркази	энг йирик иқтисодий марказига айланади	муҳассамлантиргани боис, XX асрнинг 70- йилларида Халқа-ро даражадаги П.Аберкромби мукофоти билан тақдирланган
--	--	--	-----------------------------------	---	--

Жадвал муаллифларнинг ўрганишлари асосида тузилган

XII аср охирларида воҳанинг шимоли-ғарбидаги Шопурком, Зандана каналлари бўйлаб ва Зарафшоннинг ўрта оқимида суғориладиган ерлар майдонининг кенгайиши натижасида дарё сувининг кўплаб сарфланиши, қуйи қисмдаги Варахша ва унинг атрофларида дастлаб сув танқислигига, кейинчалик қурғоқчилик юз беришига сабабчи бўлди. Сув етишмаслиги натижасида аҳоли ёппасига кўчиб кета бошлади, оқибатда воҳада қайта чўлланиш рўй берди [1, 22-б.]. Худди шундай ҳолатни Пойкент, Қўрғони-Ромитан ва Вардонзе каби шаҳар ва кентлар мисолида ҳам кўриш мумкин [6].

Мазкур шаҳарлар билан деярли бир вақтда пайдо бўлган Бухорои Шариф эса сув ресурслари билан яхши таъминланганлиги ва қулай географик ўрни боис, ҳозиргача яшаб келаётган қадимий шаҳарлардан бири ҳисобланади. Муҳим стратегик ўрни туфайли Бухоро Сомонийлар, Шайбонийлар, Аштархонийлар ва Манғитлар ҳукмронлиги даврида давлат пойтахти вазифасини бажарган. Натижада шаҳар бу даврларда Туркистоннинг энг йирик марказларидан бирига айланган.

Ўзбекистон собиқ Иттифоқ таркибига киргандан сўнг унинг ҳудудлари бўйлаб кенг кўламдаги ўзлаштириш ишлари бошланди. Марказий Қизилқумда рангли металл, кимё ва қурилиш саноати хом ашё конларининг очилиши ва уларни қайта ишлаш муносабати билан 1958 йил Навоий шаҳрига асос солинди. Айни пайтда Навоий шаҳри нафақат индустрия маркази, балки шу номли вилоятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий маркази ҳам саналади. Унинг келажак ривожланиши эркин иқтисодий зона асосида кечиб, Ўрта Осиёнинг йирик иқтисодий марказига айланиши мумкин (1.2-жадвал). Бухоро шаҳри эса келажакда Ўзбекистоннинг йирик маданий марказларидан бири сифатида туризм ҳисобига янада ривожланиб боради [5, 8, 9]. Қолаверса, арид ҳудудларда ҳам сув билан етарлича таъминланган минтақаларда шаҳарларнинг мураккаб тизимлари – шаҳар агломерациялари ҳам шаклланиши ҳам мумкин. Бухоро агломерацияси мамлакатимиздаги чўл шароитида шаклланган агломерациялардан биридир [13].

ХУЛОСА

Умуман, Ўзбекистон Республикасининг тўлиғинча чўл зонасида жойлашганлиги сабабли манзилгоҳларда аҳолининг ҳудудий муҳассамлашув даражаси юқори эмас. Мамлакатимиз шаҳарларининг асосий қисми кичик шаҳарлардан (аҳолиси 20 минг

кишигача) иборат [7, 11]. Мазкур ҳолатни ҳам Ўзбекистоннинг “чўллик” хусусиятларидан бири сифатида баҳолаш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мавлонов А.М. Чўл урбанизацияси. – Бухоро, 2015. – 174 б.
2. Мильков Ф.Н. Ландшафтная сфера Земли. – М., 1970. – 207 с.
3. Физическая география материков и океанов / Под ред. А.М. Рябчиков. – М.: Высшая школа, 1988. – 592 с.
4. Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. – Т., 2001. 2-жилд. – 703 б.
5. Mavlonov A. M. et al. Grouping and assessment of tourism and recreation resources of Bukhara region //EPRA International Journal of Multidisciplinary Research (IJMR). – 2021. – Т. 7. – №. 6. – С. 1-1.
6. Mavlonov A. M., Nematov A. N. THE INFLUENCE OF THE ZARAFSHAN RIVER ON THE DEVELOPMENT OF CITIES //Экономика и социум. – 2020. – №. 11. – С. 229-232.
7. Muhamadovich M. A. et al. DEVELOPMENT OF MIDDLE CITIES IN ZARAFSHAN REGION //EPRA International Journal of Research & Development (IJRD). – 2021. – Т. 6. – №. 12. – С. 1-1.
8. Mavlonov A., Jalilova C. GEOGRAPHICAL ASPECTS OF USE OF RECREATION RESOURCES FOR TOURISM (ON THE EXAMPLE OF BUKHARA REGION) //InterConf. – 2020.
9. Muhamadovich M. A., Elmurodovna M. I., Davronovna K. D. The Desert Tourism And Opportunities For Its Development (On The Example Of Bukhara Region) //The American Journal of Interdisciplinary Innovations and Research. – 2020. – Т. 2. – №. 12. – С. 68-73.
10. Мавлонов А. М., Нематов А. Н., Қаландарова Д. Д. Бухоро вилоятининг чўл ҳудудларидаги аҳоли манзилгоҳлари ривожланишининг айрим жиҳатлари //Ўзбекистон География жамияти ахбороти. – Т. 57. – №. 1. – С. 2020.107-111.
11. Мухамадович М. А. Развитие средних городов в Республике Узбекистан //Материалы Географического общества Узбекистана. – 2019. – С. 79-83.
12. САЛИЕВ А., КУРБАНОВ П., МАВЛОНОВ А. Городское расселение в пустынях Узбекистана //ÇÖLLERİ ÖZLEŞDIRMEĞİN PROBLEMALARY ПРОБЛЕМЫ ОСВОЕНИЯ ПУСТЫНЬ PROBLEMS OF DESERT DEVELOPMENT. – 2008. – С. 21.
13. Мавлонов А. М. Бухоро агломерациясининг шаклланиши ва ривожланиши //Ўзбекистон География жамияти ахбороти. – Т. 23. – №. 23. – С. 174.